

**Масъулияти чекланган жамият
шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти**

Манзил: Қарши шаҳри, Насаф куч. 19-уй. Тел. +99891-453-79-14

Банк: Қишлоқ қурилиш банк Қарши ш. филиали МФО 00155, Х/р. 20208000604347269001 СТИР: 205192434,
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йил 01 апрель
кунидаги 00749-сонли лицензиясига эга.

**Салбий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Мен Жавлиев Шеркузи Мустофаевич Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 11 июндаги № 05393 сонли малака сертификатига эга) томонидан хўжалик юритувчи субъект "QARSHI YOG' EKSTRAKSIYA" aksiyadorlik jamiyatining Молиявий ҳисоботлари (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи)дан иборат.

2020-йил 01 январ ҳолатидаги тузилган оралик молиявий ҳисоботининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз "QARSHI YOG' EKSTRAKSIYA" aksiyadorlik jamiyatining илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари буйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, маҳсул қисмда қайд этилган салбий фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Салбий фикр билдириш учун асос

Хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисоби буйича амортизация микдори 3 025 604,3 минг сум, аслида 2 449 509 769,63 сум булиши керак эди, 576 094,5 минг сум ортикча ҳисобланган, давр харажатлари 5 066 561,0 минг сум даромад олган, Аудит ҳисоби буйича 5 040 138,80 минг сум фарк 26 422,20 минг сумга ортикча ҳисобланган, соф фойдаси 47 870,0 минг сумни ташкил этган. Аудит ҳисоби буйича 1 272 334,51 минг сумга зарар билан яқунлаган бу эса бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланади ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аҳамиятли даражада бузиб кўрсатилишига олиб келади.

Салбий фикр

Бизнинг фикримизча салбий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳимлиги натижасида "QARSHI YOG' EKSTRAKSIYA" aksiyadorlik jamiyatining 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари буйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттирмайди.

МЧЖШ «HOMBUR -AUDIT»

аудиторлик ташкилоти директори:

Ш.Жавлиев.

30.04.2021 йил.

